O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 27 (9.065) ✱ 1998 йил 9 март, душанба ✱ Сотувда эркин нархда



Шартнома мажбурияти

ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАРГА

«Тошкент машинасозлик корхонаси» ҳиссадорлик жамияти аҳли республикамизнинг 128 та пахта тозалаш заводларига зарур жиҳозлар, асбоб-ускуналар етказиб беribгина қолмасдан, шу билан бирга бошқа давлатлардан тушаётган буюртмаларни ҳам ўз вақтида бажаряпти. Жумладан, Озарбайжон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон мамлакатларига сифатли маҳсулотлар тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилинган.

— Ҳиссадорлик жамиятимиз ишчи-хизматчилари, — дейди жамият бошқаруви раисининг ўринбосари Шукур Камолхўжаев, — бугунги куннинг талаблари асосида ишлашга ҳаракат қилишмоқда. Бугунги куннинг талаби эса сифатли ва рақобатбардош маҳсулот тайёрлабгина қолмасдан, уларни аниқ буюртмалар асосида ишлаб чиқишдир. «Буюртмалар портфели» асосида иш юритиш зарурлиги Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишланган йиғилишда алоҳида таъкидланди.

Йилни яхши бошладик, буюртмаларни ҳам ўз вақтида адо этмоқдамиз. Ўтган ойлар мобайнида 35 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришдик. Уларнинг бир қисмини қўшни давлатларга экспорт қилдик.

Корхона мутахассислари ва ишчиларидан бир гуруҳи ўтган йили Тожикистондаги пахта заводини ўзлари бориб асбоб-ускуналар билан жиҳозлаб берган бўлсалар, айни кунларда Қирғизистонда худди шундай пахта тозалаш заводини фойдаланишга топшириш арафасида туришибди.

Шунингдек, жамиятда пахта тозалаш заводига ўрнатилган дастгоҳлар учун кўп керак бўладиган эҳтиёт қисмлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Корхона цехларига ўрнатилган дастгоҳлар ўзининг серунумлиги, сифатли маҳсулот тайёрлаш имкониятини бериши билан ажралиб туради. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу йил ҳам замонавий технология жорий этишга етарлича маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Етакчи цехлардан ҳисобланган қуйиш цехи қайта таъмирланиб, Украинадан келтирилган дастгоҳлар билан жиҳозланаётгани бунинг яққол далилидир. Бу эса тайёрланаётган маҳсулот сифатининг янада яхшиланишига мустаҳкам замин бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА.
СУРАТЛАРДА: корхона цехларидан бирида; чигит саралаш цехи бошлиғининг ёрдамчиси Аҳмад Йўлдошев ҳамда моҳир чилангар Эркин Тўхтасинов маҳсулот сифатини яна бир карра кўздан кечиришмоқда; пайвандчи Баҳодир Жалоловни жамоада барча ҳурмат қилади.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ОИЛА ЙИЛИ ДАСТУРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛЯПТИ?

Оила йили давлат дастури бажарилиши ишларини мувофиқлаштириш, умумлаштириш ва натижаларини баҳолаш шаҳар комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Оила йили дастури бажарилишини назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳларининг, шунингдек қатор туман комиссияларининг раҳбарлари ахборотлари тингланди.

1998 йилда оила манфаатларини таъминлаш бўйича шаҳарда кенг кўламли дастур ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширила бошланганлиги таъкидлаб ўтилди. Оила муносабатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила, оналик ва болалик манфаатлари ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш учун амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Оилани ижтимоий ҳимоя қилишни, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, халқ таълимини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларини иш билан таъминлаш учун янги иш ўринлари ташкил этилмоқда, тадбиркорликни ҳар тарафлама ривожлантириш учун амалий ёрдам кўрсатиляпти. Шунингдек, ёш авлодни тарбиялаш, маънавиятни юксалтириш масалалари ҳам комиссиялар диққат марказида турибди.

Шу билан бир қаторда мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, Оила йили дастурида белгиланган барча режаларни тўла ҳажмда бажариш учун бу ишларни янада кучайтириш талаб этилади. Шундан келиб чиққан ҳолда ишчи гуруҳлари ва туман комиссиялари олдига Оила йили дастурини бажаришга қаратилган аниқ вазифалар қўйилди.

БИРИНЧИ ҲАФТА ЯКУНЛАРИ

ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича шаҳар комиссиясининг кенгайтирилган мажлисида кўриб чиқилди. Ушбу мажлисга транспорт ташкилотлари, ободонлаштириш хизмати раҳбарлари, давлат автомобиль назорати ходимлари, туман комиссияларининг аъзолари ҳам таклиф этилдилар.

Шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ғайрат Абдуқаҳҳоров, шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бошқарувчисининг ўринбосари Роберт Арамаян, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Зафар Файзуллаев, Чилонзор тумани ҳокимининг ўринбосари Алексей Ивашкин ойликни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ахборот бердилар.

Ойликнинг биринчи ҳафтаси давомида транспорт ташкилотларида, мактаб ўқувчилари ва талаба ёшлар, маҳаллалар аҳли ўртасида ташвиқот ишлари сезиларли даражада кучайтирилди. Ҳаракатланиш хавфсизлигига риоя этиш қоидаларига амал қилиш тарғиботи барча оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг олиб бориляпти. Йўлларни таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Автомобиль транспорти, айниқса йўловчи транспортининг техник ҳолати устидан назорат кучайтирилди.

Шу билан бир қаторда ҳамма жойда ҳам ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги тадбирлари амалда бажарилиши таъминланаётгани йўқ. Автомобиль транспортини носоз ҳолда йўналишларга чиқаришга йўл қўйилмоқда. Бир қатор мактабларда ўқувчилар йўл ҳаракати қоидаларига ўргатиладиган майдончалар тартибга келтирилмаган. Ободонлаштириш хизмати ходимлари йўлларни таъмирлаш ишларини сust олиб бормоқдалар.

Мажлисда ушбу нуқсонларни бартараф этиш, ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигини уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Мажлисни ушбу комиссия раиси, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Атҳамжон Миржалилов олиб борди.

1998 - Оила йили

КЕНГ КЎЛАМДАГИ ИШЛАР

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар бўлими жамоаси Оила йилида турар жой шароитларини яхшилашга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида барча шарт-шароитларни яратиш учун ҳаракат қилмоқда.

Ана шу мақсадда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Сергели, Акмал Икромов ва Собир Раҳимов туманларида шахсий уй-жой қурилиши учун кимошди савдоларида сотиш мақсадида ер участкалари ажратилди. Шуниси эътиборга моликки, ушбу ер участкалари умрбод мерос сифатида берилади. Шунингдек, иккиламчи бозор объектлари савдоси орқали оилавий бизнесни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Унда «такси» сифатида фойдаланилган автомашиналар, хизмат кўрсатиш объектлари арзон нархларда савдога қўйилмоқда. Йил бошидан буён филиалда иккита кимошди ва 8 та биржа савдолари бўлиб ўтди. Улар давомида шахсий уй-жой қурилиши учун иккита ер участкаси, 26 та автомототранспорт воситалари ҳамда 19 та хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш соҳалари объектлари ва уй-жойлар сотилди.

(Ўз мухбиримиз.)

Футбол

ЎҚУВ ЙИҒИНИ

Ўтган йилги мамлакат Кубоги соҳиби «Пахтакор» жамоаси Бирлашган Араб Амирликлари давлатида ўқув-машқ машғулотларини ўтказиб қайтишди.

Икки ҳафта давомида пахтакорчилар кунига икки маҳалдан машғулотларда қатнашиб ўзларининг жисмоний, техник ва тактик маҳоратларини ўстиришди. Шаржа шаҳрининг «Ал Шааб» клуби ўйингоҳи базасида ўтказилган баҳорги йиғин яхши натижаларни берганлиги шубҳасиз.

Буни йиғин давомида ўтказилган назорат-ўртоқлик учрашувлари ҳам яққол исботлайди. Дастлаб ҳамшаҳарларимиз Қозоғистоннинг энг кучли «Елимай» жамоаси билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнашди. Қозоғистоннинг яна бир клуби «Акмола» билан бўлган ўйинда ҳам кучлар тенг келди — 1:1. Сўнг пахтакорчилар Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал Шааб» командасини 5:2 ҳисобида енгишди. Охирги ўйиндаги натижа айниқса барчани шод этди. «Пахтакор» Россиянинг «Жемчужина» командаси устидан 7:2 ҳисобида йирик ғалаба қозонди.

Пахтакорчилар 18 мартда бошланадиган навбатдаги мамлакат чемпионатига пухта тайёргарлик кўришмоқда.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

Бокс

МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИГА ЙЎЛЛАНМА

Шаҳримиздаги 8-бокс мактабида 1982—83 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича пойтахт биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди. Беш кун давом этган мусобақаларда касаба уюшмалари, 8-бокс мактаби, «Меҳнат ўринбосарлари», «Динамо», 24-БУСМ ва республика олий спорт маҳорати мактаби спорт шарафини ҳимоя қилган 94 чарм қўлқоп устаси ўзаро беллашди.

Мурод Турдиев бош ҳакамлик қилган шаҳар биринчилигида ҳал қилувчи баҳога 42 килограммдан 85 килограммгача бўлган 14 та вазн бўйича энг кучли натижаларга эришган ёш боксчилар чиқишди. Қизиқарли ва кескин беллашувлардан сўнг қуйидаги спортчилар шаҳар чемпиони деган шарафли унвонга сазовор бўлишди: Д. Ҳалимов (касаба уюшмалари), Д. Пўлатов («Меҳнат ўринбосарлари»), Р. Эргашев (касаба уюшмалари), С. Холиқов (касаба уюшмалари), Д. Аҳмедов («Меҳнат ўринбосарлари»), У. Аҳмедов (8-бокс мактаби), А. Саидов (8-бокс мактаби), Ж. Жаҳонгиров (8-бокс мактаби), Р. Азимов (8-бокс мактаби), И. Шодиматов («Динамо»), Д. Муродов (8-бокс мактаби), Б. Исматов (8-бокс мактаби), А. Мирҳодиев («Динамо»).

Айниқса энг оғир вазнда М. Турсунов (республика олий спорт маҳорати мактаби) ва Э. Зиников (8-бокс мактаби) ўртасида ўтган баҳс кескин ва муросасиз кечди.

Барча ғолибларга фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шаҳар чемпионати ғолиблари 23 мартда бошланадиган Ўзбекистон чемпионати мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Президент Ислом Каримов 8 Март муносабати билан Ўзбекистон аёлларига байрам табриги йўллади. Бу табрик пойтахтдаги «Туркистон» саройида аёллар байрамига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда ўқиб эшиттирилди. Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова йиғилишда маъруза қилди. Йиғилишда Олий Мажлис раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов қатнашдилар.

◆ Вазирлар Маҳкамасида Япония ҳукуматининг Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги болалар касалхонаси, марказий туғруқхона, «Она ва бола» марказларини замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлашга беғараз ёрдам сифатида 676 миллион япон иени (5,8 миллион АҚШ доллари) миқдорида грант ажратиш бўйича алмашув ноталари имзоланди.

◆ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида жаҳонда қочоқлар муаммоси ҳақида гап борди.

◆ Тошкент вилоятида бу йил 205 гектар майдонда янги ўрмонзорлар барпо этиш режаланмоқда. Вилоятда 2000 йилга бориб ўрмонзорлар салкам 700 гектарни ташкил этади.

◆ Тошкентдаги «Компрессор» заводида германиялик шериклар билан ҳамкорликда автомобиллар учун фильтрлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ЖАҲОНДА

◆ Серб махсус маҳкамалари хизматчилари ўзини «Косовони озод қилиш армияси» деб атовчи сепаратчилар жангариларига қарши шиддатли жазо операцияси ўтказдилар. Ушбу «армия» жангариларини йўқ қилишда оғир замбараклар, танк ва самолётлардан ҳам фойдаланилди. Сербия маъмурларининг расмий хабарларига кўра операция давомида 20 нафар жангари, шу жумладан ушбу «армия» бошлиғи ҳам йўқ қилинган.

◆ Бугун Лондонда собиқ Югославия бўйича халқаро алоқа гуруҳи мажлисида Сербиянинг Косово мухтор ўлкасидаги вазият муҳокама қилинади. Сўнгги бир неча кун давомида бу ерда серб ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари хизматчилари билан маҳаллий албанлар ўртасидаги тўқнашувларда 50 нафардан кўпроқ киши ҳалок бўлди, деб ҳисобланмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

◆ Москвада бўлиб ўтган Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳукумат бошлиқларининг учрашувида бошқа кўпгина масалалар қатори апрель ойида МДҲни стратегик ривожлантириш муаммолари бўйича анжуман ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

◆ Арманистонда 16 мартга мўлжалланган президент сайловлари ҳал қилувчи паллага кирди. Давлат раҳбари лавозими учун 12 номзод, шу жумладан ҳозирги пайтда Президент вазифасини бажариб турган Роберт Кочарян ҳам кураш олиб бораяпти.

◆ Бугун БМТнинг махсус комиссияси аъзолари Ироқда «президент иншоотлари» деб номланган ва аввал ушбу комиссия аъзоларига кириш маън этилган иншоотларни текширишга киришадилар. Бу БМТ билан Ироқ ўртасида имзоланган аҳдлашувнинг асосий моддаларидан бири ҳисобланади.

◆ Бугун Вашингтонда АҚШ вице-президенти Гор ва Россия ҳукуматининг раиси Черномирдин номи билан аталувчи АҚШ-Россия қўшма комиссиясининг ўнинчи мажлиси иш бошлайди. Унда икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади.

◆ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таркибида янги хизмат — Қуролсизланиш масалалари бўйича департамент ташкил этилди.

◆ Россиянинг Саратов вилоятида ерларни хусусий шахсларга сотиш бўйича биринчи кимошди савдоси бўлиб ўтди. Савдога қўйилган ер майдонлари дастлабки белгиланган нархдан 50 баравар қимматга харид қилинди. Президент Борис Ельцин бу кимошди савдосини маъқуллади.

◆ Белоруссия Президенти Александр Лукашенконинг Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафари давом этмоқда. У Эрондаги сафари якунида ушбу мамлакат билан бир қатор, шу жумладан иқтисодий ҳамкорлик бўйича шартномалар имзолади. Бугун Александр Лукашенконинг Сурияга расмий ташрифи бошланади.

◆ Чеченистон президенти Аслан Масхадов бугун беш кунлик ташриф билан Буюк Британияга келади. У Грознийдаги халқаро аэропортни ёпиб қўйганидан сўнг Лондонга Боку орқали учиб кетди. Аслан Масхадов Буюк Британияга бу сафарини давлат ташрифи деб номлаётган бўлсада, Лондонда уни хусусий шахс сифатида кутиб олишларини билдирдилар.

◆ Куба раҳбари Фидель Кастро таклифига мувофиқ мамлакатга 50 нафар америкалик сармоядорлар келдилар. Улар Куба билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятларини ўрганадилар.

◆ Эртага Москвада Россия Президенти Борис Ельцин Шимолий Кавказ оқсоқоллари билан учрашади. Унда ушбу минтақада тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш масалаларини муҳокама этиш кўзда тутилган.

◆ АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт ўзининг Европа мамлакатлари бўйлаб сафарини Киевдан бошлади. У Украина Президенти Леонид Кучма билан музокараларда икки мамлакат ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш масалаларини муҳокама этди.

Ҳамкорлик

«ЛУФТҲАНЗА»: ЗАМОНАВИЙ, ҚУЛАЙ ВА ТЕЗ

Маълумки, 1993 йилнинг 30 мартидан бошлаб, Германиянинг «Луфтҳанза» акциядорлик авиакомпанияси Тошкент — Франкфурт ҳаво қатновини йўлга қўйиб, ўзининг ёзги мавсумини бошлаганди. Мустақил Ўзбекистоннинг азим пойтахти — дўстлик ва биродарлик шаҳри Тошкент билан Германиянинг Франкфурт (Майн) шаҳри ўртасида очилган ҳаво йўли иккала мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамоатчи мухбиримиз «Луфтҳанза»нинг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари жаноб Ҳайнц-Петер Годехарт билан учрашиб, авиакомпаниянинг бугунги кунда олиб бораётган ишлари хусусида суҳбатлашди.

— Жаноб Годехарт, «Луфтҳанза» авиакомпанияси ҳақида, унинг бугунги кунда дунё давлатлари, хусусан Ўзбекистон билан олиб бораётган ҳамкорлик ишлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— «Луфтҳанза» дунёдаги энг йирик авиакомпаниялардан бири бўлиб, унинг таркибида 58 минг киши меҳнат қилади. У мустақил республикангиз пойтахти билан ҳам само қатновини йўлга қўйиш билан ўзининг парвоз йўналишларини Шарқий Европа ҳамда Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг 14 мамлакатларига кенгайтириб, дунёнинг 16 та йирик шаҳарларига 250 та тайёраларнинг мунтазам қатнашини таъминлаган эди. Бугунга келиб, авиакомпаниянинг салоҳияти анча ортди. «Луфтҳанза»нинг замонавий авиалайнерлари ҳозирда жаҳоннинг юзга яқин давлатларига мунтазам учиб, икки юздан зиёд манзиллар ўртасида йўловчиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қиляпти. Авиакомпаниянинг Тошкент — Франкфурт ҳаво қатновини очишдан мақсади мана шу минтақада ўзаро кенг иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишга кўмаклашишдан иборат.

— Маълумки, «Луфтҳанза» авиакомпанияси ўтган йилнинг кузида тўла хусусийлаштирилган эди. Ана шу жараён авиакомпания фаолиятининг яхши йўлга қўйилишида қандай роль ўйнамоқда?

— Ўринли савол. Авиакомпаниямиз тўла хусусийлаштирилиб, мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтгач, албатта, менежмент (бошқарув), жамоа фаолияти ва касаба уюшмаларининг ўзаро ҳамжиҳат бўлиб ишлашлари долзарб вазифага айланди. Бусиз «Луфтҳанза»нинг иқтисодий ривожланиб боришини тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Шундай экан, йўловчиларга юқори даражада хизмат кўрсатишни ташкил этишни асосий вазифамиз, деб биламиз.

— «Луфтҳанза» бошқарувининг раиси Юрген Вебер «Франкфуртер Рундшау» газетаси мухбирлари билан бўлган суҳбатда «Арзон авиакомпания» деган иборани келтирди. Бу ибора авиакомпаниянгиз фаолиятига ҳам дахлдорми?

— Албатта. Мазкур ибора асосида, аввало, мамлакатда, шунингдек, Европа ва Шарқий Европа йўналишларида йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш билан бирга, ишга улар манфаатларини кўзлаб ёндошиш, хусусан, чипталарни сотишда таннархдан келиб чиқиш тамойили ётади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, салонда жой бўш қолиб кетгандан кўра, у нисбатан арзонроқ нархда пулланганги дуруст эмасми?..

— Годехарт жаноблари, авиакомпанияда йўловчиларга хизмат кўрсатиш юзасидан қандай шароит ва қулайликлар яратилган?

— «Луфтҳанза» акциядорлик авиакомпаниямизнинг халқаро йўналишларида, асосан, А 310—300 аэробуслари қатнайди. Бу замонавий авиакемаларда йўловчиларга уч тоифада — биринчи, бизнес ҳамда сайёҳлик классларида юқори даражада хизмат кўрсатилади.

— Шу ҳақда батафсилроқ сўзлаб берсангиз.

— Авиакомпаниямиз, кўпчилик йўловчилар енгил, қўлда олиб юриладиган юклар билан учишларини ҳисобга олиб, салоннинг икки тарафидаги юкхоналарни қўшимча равишда кенгайтириб, қулайликлар яратди. Бу ерда оғир юкларни ҳам жойлаштириш мумкин. Мазкур самолёт салонидаги ўриндиқлар оралиғи ҳам одатдагидан кўра хийла кенгроқ; йўловчилар оёқларини бемалол узатиб кетишлари, қийинчиликсиз ўтириб-туришлари мумкин. Бундан ташқари, авиакема салонида чекувчи йўловчилар учун алоҳида жой ҳозирланган бўлиб, илгаригидек, узунасига эмас, балки кўндалангига бўлиниб, самолётнинг қуйруқ(дум) тарафида жойлаштирилган. Чекувчи йўловчилар худди шу ердан жой олишлари кўзда тутилади.

Парвоз давомида йўловчилар қайноқ қаҳва, ширинлик ва турли хил енгил таомлар билан сийланадилар. Авиакомпаниямиз йўловчиларига сафарлари доимо бехатар бўлишлигини тилаб қоламиз.

Суҳбатни
Мирзаали АКБАРОВ
ёзиб олди.

СУРАТЛАРДА: авиакомпания фаолиятидан лавҳалар.

Ҳуқуқ

ИШОНЧНОМА НИМА?

Дарҳақиқат, ишончнома нима? Унинг ҳуқуқий ҳолати Республикамизнинг қонунчилигида қандай ҳал этилган? Кечагина кенг «истеъмол»даги «доверенность»нинг асл моҳияти нимада? Биз у ҳақда нималарни биламиз ва яна нималарни билишимиз лозим?

Қуйида шу ва шу кабилар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Амалдаги қонунчиликка кўра, ишончнома бир шахс томонидан иккинчи шахсга учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма шаклдаги ваколатдир. Ишончнома вакиллик институтини вужудга келтирувчи энг кенг тарқалган усуллардан биридир. Ишончномада юқоридаги таърифдан кўринадики, уч тараф, яъни биринчи тараф — ишонч билдирувчи, иккинчи тараф — ишончли вакил ва учинчи шахслар (фуқаролар ва ташкилотлар, яъни юридик шахслар) қатнашади. Ишончноманинг моҳияти шундаки, бунда вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасидагина иш олиб боради. Бинобарин, вакил ўзининг ҳаракатлари туфайли ишонч билдирувчи учун фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади.

Одатда, ишончнома фуқаролар томонидан ҳам, ташкилотлар, яъни юридик шахслар томонидан ҳам берилиши мумкин.

Ишончнома қонунда белгиланганидек, оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади. Айтайлик, майда маиший битимларни тузиш, фуқаро (яъни ишонч билдирувчи)нинг соғлиги ва ҳаёти ёмонлашганда унинг иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини олиш бўйича ишончномалар оддий ёзма шаклда, автомобиллар ва кўчмас мулклар билан боғлиқ муносабатлар эса нотариал тартибда гувоҳлантирилган шаклда берилади.

Шундай ишончномалар борки, қонун уларни нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштиради. Улар туркумига қуйидаги уч турдаги ишончномалар киради:

— Госпиталларда, санаторийларда ва бошқа ҳарбий — даволаш муассасаларида даволанаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда бошқа шахсларнинг шу муассасаларнинг бошлиқлари, уларнинг тиббий қисм бўйича ўринбосарлари, катта ва навбатчи шифокорлар томонидан тасдиқланган ишончномалари;

— ҳарбий хизматчиларнинг, ҳарбий қисмлар, муассасалар ҳамда ҳарбий ўқув юртлари жойлашган, яъни нотариал идоралар бўлмаган пунктларда уларнинг мазкур муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган ишончномалари;

— озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлган ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг мазкур муассасалар томонидан тасдиқланган ишончномалари.

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, ишончнома бир пайтнинг ўзида бир шахс ёки бир неча шахслар томонидан бир ёки бир неча шахслар номига берилиши мумкин.

Ташкилотнинг, яъни юридик шахсларнинг ишончномаси ўзига хос бўлиб, унинг номидан бериладиган ишончнома мазкур ташкилотнинг раҳбари томонидан имзоланиб, муҳри билан тасдиқланиши лозим. Баъзан юридик шахснинг раҳбари махсус ишончномасиз ҳаракат қилиб, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

Ишончноманинг муддати қанча?

Амалдаги қонунчиликка кўра, ишончнома кўпи билан 3 йил муддатга берилиши мумкин. Борди-ю, ишончномада муддат кўрсатилмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил давомида амал қилади. Шуни эсда тутиш керакки, берилган санаси кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий саналмайди ва у ишонч билдирувчи учун ҳеч қандай ҳуқуқ ва бурчлар туғдирмайди.

Ишончноманинг муддатлари бўйича яна бир ҳолат шуки, нотариус томонидан тасдиқланган, мамлакатимиздан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, айни пайтда амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс (фуқаро ёки ташкилот) томонидан бекор қилингунича амалда бўлади.

Гарчи ишончнома бўйича вакил ҳаракатларни шахсан амалга ошириши шарт бўлса-да, баъзан ваколатларни бошқа шахсга ўтказишига ҳам йўл қўйилади. Бунда қуйидаги шартлар албатта, инобатга олиниши лозим:

Биринчидан, ишонч билдирувчининг манфаатларини ҳимоя қилишга шароит мажбур қилган бўлиши;

иккинчидан, бошқа шахсга берилишига асос бўлган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши;

учинчидан, асосий ишонч билдирувчи бу ҳақда олдиндан огоҳлантирилиши ва унинг розилиги;

тўртинчидан, бошқа шахсга ўтказилиши лозим бўлган ишончноманинг амал қилиш муддати асосий ишончноманинг амал қилиш муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

Ишончнома қандай ҳолларда бекор бўлади?

Амалдаги қонунчиликка кўра, ишончнома қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

— Ишончнома муддати тамом бўлиши билан;

— ишонч билдирувчининг уни бир томонлама бекор қилиши билан;

— вакилнинг бош тортиши билан;

— ишончнома берган ёки олган юридик шахснинг тугатилиши билан;

— ишончнома берган ёки олган фуқаронинг суд тартибида муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган, ёхуд вафот этган деб топилиши билан;

— ишончнома берган ёки олган фуқаронинг табиий ўлими билан.

Умуман, ишонч билдирувчи исталган вақтда ишончномани бекор қилиши мумкин, вакил эса — ундан воз кечиши. Одатда, бу ҳуқуқдан воз кечиш ҳақиқий саналмайди.

Ишончнома бекор бўлганида дарҳол тарафларга хабар қилинади. Турмушда мазкур ҳолат бўйича вакилнинг ишончнома бекор бўлганлигини билган ёки билиши лозим бўлган палла ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу борада қонунчилик ишончнома тарафларидан ҳар бирининг ҳуқуқ ва бурчлари ўртасида тенглик бўлишини таъминлай олган. Айтайлик, ишончли вакилнинг ишончнома бекор бўлганлигини билгунича ёки билиши лозим бўлгунича қилган ҳаракатлари ишонч билдирувчи (ёки унинг ворислари) учун учинчи шахсларга нисбатан ўз кучини сақлаб қолади. Айтайлик, ишончли вакил ишончнома бекор бўлганлигини билган ёки билиши лозим бўлганидан кейин қилган ҳаракатлари ишонч билдирувчи учун ҳеч қандай ҳуқуқ ва бурчлар туғдирмайди. Учинчи шахслар агар ишончноманинг бекор бўлганлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлсалар, уларга нисбатан юқоридаги қоидалар қўлланилмайди.

Ишончнома бекор бўлганидан сўнг вакил (ёки унинг ворислари) дарҳол уни ишонч билдирувчига қайтариб бериши шарт.

Демак, ишончномани ҳеч муболағасиз шахс ўз фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини, яъни эрки-иродасини амалга оширишининг билвосита шакли дейиш мумкин. Бунинг нечоғлик самара бераётганини турмушнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бироқ сўнгги сўз ўрнида шуни айтиш керакки, ҳамма ҳолларда ҳам ишонч билдирувчининг эрки-иродаси ишончнома орқали, аниқроғи вакил орқали амалга оширилавермайди. Масалан, алимент муносабатлари, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплаш бевосита ҳар бир шахснинг ўз иштироки билан ҳал қилинади.

Миродил БАРАТОВ,
ҳуқуқшунос.

Тадбирлар

«САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ»

Шаҳар қўшимча таълим мажмуасида ўтказилиши анъанага айланган «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасига тайёргарлик машғулотлари бошлаб юборилди.

Шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, шаҳар Қизил Ярим ой жамияти ҳамда ДАН бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилаётган бу машғулотларда барча туман мактабларининг 8-синф ўқувчиларидан вакиллар иштирок этишмоқда. Машғулот иштирокчилари бевосита «Саломатликнинг ёш дўстлари» клубининг аъзолари бўлиб қолишяпти.

— Ҳафтанинг ҳар чоршанбасида ўтказилаётган бу машғулотимиз мактаб ўқувчиларининг билим олишлари ва тиббиёт ҳақидаги тушунчаларининг янада кенгайиб боришида муҳим аҳамият касб этади, — дейди шаҳар қўшимча таълим мажмуасининг раҳбари Олег Овчаренко. — Биз болаларга ўқув муассасаларида билим бериш билан чекланиб қолмай, уларга хавфсизлик ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш сирларини ҳам ўргатиб боришимиз лозим. Ана шулар ҳақида маълумот бериш мақсадида машғулотларимизга тиббиёт ходимлари, Қизил Ярим ой жамияти вакиллари ҳамда ДАН назоратчиларини ҳам жалб этганмиз.

Наргиза
ПИРНАЗАРОВА.

Қарор ва ижро

ЁНИЛҒИНИ ТЕЖАШ КЕРАК

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлиги 1998 йилга ёнилғи-мой маҳсулотларидан тежаб-тергаб фойдаланишга қаратилган қарор қабул қилди. Унда «Ўздавнефтмаҳсулот»нинг Тошкент «Нефть маҳсулотлари» ва «Тошгаз» корхоналари зиммасига амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар юклатилган. Мухбиримиз «Тошвилоятнефтмаҳсулот» идораси директори Фаттоҳ Иброҳимов билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Фаттоҳ Яҳёевич, аввало ушбу ҳужжатдан келиб чиқадиган вазифалар хусусида гаплашсак.

— Бу қарорда ёнилғи маҳсулотларидан тежаб-тергаб фойдаланиш борасидаги долзарб масалалар кўрсатилган. Жумладан, унда: «Бир ой муддат давомида автобензинлардан, дизель ёнилғиси, табиий газдан унумли ва тежамкорона фойдаланишга, уларнинг талон-тарож бўлиши ҳолларини йўқ қиладиган чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин ҳамда ёнилғи-энергетика ресурслари иқтисоди бўйича шаҳар идоралараро комиссия тасдиқлаши учун тақдим этилсин», деган жумла бор. Ҳозир қарорда қайд этилган мана шу каби вазифалар асосида ёнилғи ва мой маҳсулотларининг ғайри-қонуний йўллар билан берилишига барча жойларда тўсиқ қўйилмоқда. Бунинг учун махсус назоратчилар, текширувчилар фаолият кўрсатишмоқда. Уларнинг иши кенгаш мажлисларида, йиғилишларда муҳокама этилмоқда. Хато ва камчиликларга йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан маъмурий ва моддий таъсир кўрсатиш чоралари кўрилмоқда. Зарур ҳолларда эса тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқий маъмурий идораларга топширилляпти.

— Айтингчи, шаҳримизда бир кунлик маҳсулот сарфи неча тоннани ташкил этади?

— Айни кунларда Тошкент шаҳрида 187 мингдан ортиқ шахсий машиналар мавжуд бўлиб, уларга бир кунда 700 тонна ёнилғи сарфланади. Бунинг устига яна қўшимча 50 тонна ёқилғини талонли қуйиш шохобчаларига берамиз. Бу ҳисобга давлат, корхона, ташкилот автотранспортлари учун ишлатиладиган ёнилғи сарфи кирмайди. Агар рақамлар тили билан айтадиган бўлсак ўтган йили бизга 188 минг тоннадан ортиқ ёнилғи ажратилган бўлса, амалда 254 минг тоннадан кўпроқ ёнилғи ишлатдик. Бу йил эса маҳсулотдан тежаб-тергаб фойдаланиш мақсадида 112 минг тонна ёнилғи олиш учун шартнома имзоланган.

Ҳозир корхонамиз тежамкорлик бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқмоқда. Нефть маҳсулотини тежаш режимини кучайтириш мақсадида АЁҚШларни назорат ўлчов жиҳозлари билан қуроллантиряпмиз. Шунингдек корхона ва ташкилотлар зиммасига ҳам белгиланган тақсимотга нисбатан 10 фоиз ёқилғини тежаш вазифаси топширилди.

— Фаттоҳ Яҳёевич, шаҳримизда нечта ёнилғи қуйиш шохобчалари ишлаб турибди?

— Ҳаммаси бўлиб 44 та. Бундан 19 таси бизга қарашли, қолганлари шахсий. Корхонамиз шахсий шохобчаларни ҳам 30 фоиз маҳсулот билан таъминлайди. Қолганини ўзлари четдан олиб келишлари керак. Очиғини айтганда, ҳамма шахсий шохобча эгалари ҳам бу мақсадга эриша оляптилар, деб бўлмайди. Бунга мисол қилиб Олмалиқ йўналишидаги («Роҳат» кўли яқинида), шунингдек Муқимий кўчасидаги АЁҚШларни келтириш мумкин. Яқинда биз уларни ижарага олдик.

— Кўпинча ҳамшаҳарларимиздан қуйиш шохобчаларида АЁҚШ танқислиги рўй бераётганлиги, бунинг устига уларнинг баъзиларида мижозлар ҳақига хиёнат қилинаётганлиги ҳақидаги гап-сўзларни эшитишга тўғри келади.

— Танқисликнинг асосан икки сабаби бор. Бизда билиб-билмай «башорат» қиладиганлар кўпайиб қолган. Улар ўзларича ёки кимларнингдир уйдирмаларига ишониб АЁҚШ нархи ошиши ҳақидаги мишмишларни тарқатишади. Қарабсизки, эртасига қуйиш шохобчалари машиналар билан тирбанд. Ҳайдовчилар иложи борича кўпроқ ёнилғи харид қилишга уриниб қолишади. Ана сизга танқисликнинг бир кўриниши. Яна бошқа сабаби эса ҳозир шаҳарда уй-жой бинолари, янги хиёбон ва кўчалар қурилиши муносабати билан марказий жойлардаги кўпгина қуйиш шохобчалари тугатилиб, чекка ҳудудларга кўчириб юборилди. Бунинг ҳам ўзига хос таъсири бор. Шуни назарда тутиб шаҳарда 20 та ёнилғи қуйиш шохобчалари ташкил этиш ҳақида таклиф тайёрламоқдамиз. Уларни қуриб берадиган ташкилотлар ҳам бор. Бу режа амалга ошса нур устига нур бўлади. Тўғри, баъзан йўлларнинг яхмалаклиги, қиш совуғи таъсирида АЁҚШларга ёқилғи кечикиб келиши ҳоллари ҳам содир бўлиб туришини инкор этиб бўлмайди.

Харидор ҳақига хиёнат масаласига келсак, очиғи бунга мижозларнинг ўзлари сабабчи. Биз барча ёнилғи қуйиш шохобчаларига бу ҳақда қатъий кўрсатма берганмиз. Лекин биласиз гуруч курмаксиз бўлмайди. Кўпчилик мижозлар эса буни кўра-била туриб индашмайди. Уларнинг мана шу кўнгилчанлигидан баъзилар фойдаланиб қолишади. Қолаверса, ҳамма ёнилғи қуйиш шохобчаларида ҳисобдонлар ишлаб турибди. Унинг тўғри ишлаши кузатиб турилса бас.

Суҳбатдош Маҳмуд
КОМИЛЖОНОВ.

Аҳолига қулайлик

КЎЧАЛАРГА МОС ЯНГИ БЕКАТЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ пойтахтимиздаги кўчаларни номлашда тартиб ўрнатиш мақсадида уларнинг кўпчилиги қайта номланди. Шу муносабат билан шаҳар транспортидан фойдаланувчи йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси бекатлар ҳамда шохбекатлар номланишига ўзгартиришлар киритди. Қуйида сиз ана шу бекатларнинг номлари билан танишасиз:

Эски номи	Янги номи	Йўналиш №№
«Абдуллаев кўчаси» «Подмосковная» шохбекати» «Подмосковная кўчаси»	«Учтепа кўчаси» «Чилонзор» даҳаси 25-мавзе шохбекати» «Ширин» кўчаси	17-трамвай 2,41,33,8,113, 77-автобуслар 2,41,33,182,8,113, 77,87-автобуслар; 12,13-троллейбуслар
«25-мавзе»	«Турсунқулов кўчаси»	113,182-автобуслар
«Дегтяров кўчаси»	«Туман ички ишлар бўлими»	22-автобус; 1-трамвай
«Зеленая кўчаси»	«Масжид»	7,22,52,26-автобуслар
«Енисейская кўчаси»	«Савр кўчаси»	61-автобус; 1-трамвай
«Корнилова кўчаси»	«Мойлисой тор кўчаси»	4-автобус
«Черкасская кўчаси»	«Статистика бошқармаси»	9,17,18-троллейбуслар
«Доргомижский кўчаси»	«Поликлиника»	4-автобус
«Черданцева-2 даҳаси»	«Чимган» дўкони	17,83,96,49-автобуслар; 49-маршрутли такси; 6, 13-трамвайлар; 9, 18-троллейбуслар
«Архитекторлар кўчаси»	«Тўрақўрғон кўчаси»	27-трамвай
«Балтийская кўчаси»	«Боғичинор кўчаси»	58,66,117,108-автобуслар
«Авиагородок»	«Учувчилар шаҳарчаси»	25,40,61,106,66-автобуслар; 6-маршрутли такси
«Ҳамидов кўчаси»	«Янгиариқ кўчаси»	123-автобус; 10, 22,26-троллейбуслар
«Каймаков кўчаси»	«КамАЗ маркази»	24-автобус, 49-маршрутли такси, 22-троллейбус

Мана шу ўзгартириш ва қайта номлашлар ҳисобга олинган ҳолда автобус йўналишларининг лавҳалари тайёрланиб, янги бекатларнинг белгилари осиб қўйилди.

Юсуф ҚОДИРОВ.

«Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади».

(Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан)

•

Марҳамат Йўлдошева — Тошкент шаҳар ҳокимлиги адлия бошқармасига қарашли «Никоҳ ва Оила» маросимлари маркази» раҳбари, ўрта бўй, истараликкина бу аёл билан миллий қадриятларимиз, оила ва никоҳ муносабатларини тартибга солиш, айниқса, ёш оилалар ўртасидаги ажралишларнинг сабаблари хусусида суҳбатлашарканмиз, унинг мулоҳазалари шу соҳа кишилари тасаввурни янада тиниклаштирди.

1998 — Оила йили

АЗАЛДАН МУҚАДДАС САНАЛГАН

— Меҳнат фаолиятингиз давомида кўплаб мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларни муқаддас никоҳдан ўтказиш бахтига мушарраф бўлгансиз. Никоҳ миллий қадрият эканлиги барчамизга маълум... Никоҳ тузиш шартлари ва тартиблари ҳақида қисқача сўзлаб, берсангиз.

— Никоҳ мустаҳкам, иноқ, тенг ҳуқуқли меҳнаткаш оилани тузиш, болаларни ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида йигит ва қизнинг ўзаро муҳаббат ва ҳурмат ҳислари асосида қонунда белгиланган шартлар ва тартибларга риоя қилиб, ўз эрклари ва ихтиёрлари билан тузиладиган умрбод иттифоқдир.

Никоҳ ва оила кодексига асосан қуйидаги шартлар: никоҳланувчиларнинг ўзаро розилиги ва уларнинг никоҳ ёшига етганлиги талаб қилинади.

Никоҳ ва оила муносабатларига хос хусусиятлардан яна бири якка никоҳлик тамойилидир. Унга асосан йигит ва қиз фақатгина бир шахс билан никоҳда туриши мумкин.

Шунингдек, келин-куёв томонидан никоҳга кириш учун берилган розилик ҳақиқий бўлиши керак. Зўрлаш, қўрқитиш, алдаш ким томонидан қилинганлигидан қатъи назар, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади. Никоҳни қайд этишда юқорида айтиб ўтилган шартларнинг мавжудлиги икки ёшнинг бахтли ҳаёт кечириши ва оилавий муносабатлардаги юз берадиган, болаларни тарбиялаш каби мураккаб масалаларни тўғри ва аҳиллик билан ҳал этилишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Никоҳ тузиш тартибига келсак, никоҳ, уни тузишни истаганлар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш Марказига ариза берганларидан кейин бир ой муддат ўтгач тузилади. Бир ой муддат ичида ёшлар бир-бирларини янада яқинроқ билишлари, ўрганишлари тавсия этилади. Марказ ходимлари қурилажак оиланинг мустаҳкам бўлишини таъминлаш мақсадида келин-куёвларни никоҳни қайд қилиш кунидан 3—4 кун илгари келишилган кунга таклиф этиб, шифокорлар, ҳуқуқшунослар, дин арбоблари ҳамда кўп йиллик турмуш тажрибасига эга ибратли оила соҳиб-соҳибалари билан суҳбат ўтказишни тавсия этади.

Бундай учрашувларда ёшлар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқлари, оилани мустаҳкамлаш ва фарзанд тарбияси ҳақидаги тушунчалар, халқимизнинг бой урф-одатлари, удум ва анъаналари, исломдаги никоҳ тартиби ҳамда тантанали қайд қилиш кунидаги никоҳ тузиш тартиби ва шартлари билан танишадилар.

— Марҳамат Муродовна, мана салкам 20 йилдан бери шу соҳада ишларкансиз. Шу йиллар давомида жуда кўп кувончли кунларнинг ва афсуски нохуш дамларнинг гувоҳи бўлгансиз. Айтингчи, сизнингча ёшлар ўртасидаги ажралишларнинг сабаби нимада?

— Бу оғриқли муаммоларимизнинг сабабларини қидирадиган бўлсак, унинг қирралари ҳам кўп, баҳонамиз ҳам...

Никоҳ билан қурилган оиланинг саодатли ва бардавомлиги эр-хотин тарафидан бўладиган тасарруфлар ва уларнинг бир-бирларига муносабати, одоби, ахлоқи, шахсий хусусиятларига чамбарчас боғлиқ.

Бугунги кундаги оилавий можаролар, ажралишлар ва бошқа кўплаб турмуш муаммоларининг турли сабаблари бор. Менимча, бош сабабларидан бири — икки тараф ҳам ўз ҳадди — ўз чегарасини билмаганидан ва ўз бурчини сидқидилдан адо этмаганлигидандир.

Агар аёлнинг сабр-қаноатлигига эркакнинг ўткир идроки ва уддабуронлиги қўшилса, ажралишлар сони анча барҳам топади.Ундан кейин, эркакнинг оила олдидаги масъулиятини ошириш керак ва бу муқаддас бирлик оромига кўз олайтирган кимса ҳам жамоатчилик ўртасида муҳокамага қўйилиши лозим. Қолаверса, ундай шахсларни жиноий жавобгарликка тортадиган қонун ишлаб чиқилиши шарт, деб ўйлайман.

— Оила ва оилавий муносабатлар ҳақида нима дея оласиз?

— Оила ҳақида гапиришдан аввал, унинг кўрки бўлган аёл ҳақида сўз юритмоқчиман. Аёллар ва уларнинг оиладаги ўрни ҳақида буюк устозларимиз, алломаю мутафаккирларимиз ўз даврида кўп ва хўп фикр билдирганлар. Республикамиз Президенти ҳам аёлларни таърифлаб, «қодир табиат азиз аёлларимизга мунислик ва мушфиқликни, эзгулик ва гўзалликни абадий қилиб бағишлаган. Ҳар бир инсон қўнглини мунаввар этгувчи, наинки оилага, балки бутун жамиятга ҳам аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишлагувчи ҳам аёл зотидир. Аёл — табиатнинг энг буюк мўъжизаси. Бу мўъжиза олдида таъзим бажо этиш ва бу улуғ мўъжизани яратган аллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар айтиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир» дегандилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, шунингдек, унга асосланган қонунларда ҳам аёлларга кенг ҳуқуқ ва эркинликлар, имтиёзлар берилган.

Аёл оилани мустаҳкамлаши, оилавий муносабатларда юз берадиган масалаларни босиқлик билан ҳал қиладиган ва фарзандларининг одобли, хаёли, меҳнатсевар бўлиши учун ғамхўрлик қилиши керак. Эр-хотин турмушда бир-бирларига маънавий ва моддий томондан ёрдам бераслар, фарзандларига биргаликда ғамхўрлик қилиб, уларни тўғри тарбияласалар, аминманки, бу оилада ҳамиша тотувлик ва ҳамжиҳатлик бўлади.

— Соҳага алоқадор бўлган амалдаги қонунларимизга сизнинг муносабатингиз? ..

— Шуни тан олиш керакки, кўп қонун-қоидаларимиз такомиллашиб, тўлдирилиб, жаҳон миқёси даражасидаги қонун-қоидаларга тенглашиб бормоқда. Албатта, буларнинг бари ҳуқуқий давлат барпо этишимизда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, ўтган йиллар мобайнида ким билан оила қуриш ёки ажралиб кетиш, шунингдек оилага қандай муносабатда бўлиш шахсий иш, деган фикр юрарди. Оилани сақлаб қолиш, ажрашаётган эр-хотинни яраштириш фақатгина судларнинг вазифаси сифатида қайд қилинарди. Эндиликда, шарқона урф-одатларимиз, халқимизнинг миллий анъаналарига, эътиқодимизга мос келадиган кўрсатма ва тушунчаларга эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, ўз-ўзини бошқариш органларига, яъни маҳаллаларга никоҳдан ажрашмоқчи бўлган эр-хотинларни яраштириш, оилавий муҳитни сақлашга ёрдам бериш, бу борада тегишли ишлар олиб бориш вазифалари юклатилди.

— Оиланинг мустаҳкам, фарзандларнинг соғлом бўлишлари учун нималарга эътибор бериш керак?

— Йўлбошчимизнинг 1998 йилни Оила йили деб эълон қилишлари халқимизни, айниқса биз — оналарни қувонтирди.

Оила маънавий жиҳатдан баркамол бўлсагина жамиятга комил фарзандлар етказиб беради. Бунинг учун оила бошлиғи жуда вазмин, узоқни кўзлаб иш юритадиган инсон бўлиши лозим. Шундай одамлар, шундай оилалар атрофимизда оз эмас. Биз уларни ёшларга ибрат қилиб кўрсата билишимиз керак.

Оилани асраган, унга ғамхўрлик кўрсатган давлатнинг келажаги буюк бўлади. Зеро, оила бизда азалдан муқаддас саналган. Унинг мустаҳкам бўлиши, оила фаровонлигига эришиши соғлом авлод камолини таъминлаши шубҳасиздир.

— Оила шаъни ҳақида нима дея оласиз?

— Оила шаъни — муқаддас, унинг муқаддаслигини асрашимиз, ғубор етказмаслигимиз лозим. Бу эса ўзимизга боғлиқ.

Суҳбатдош Маъмура РЎЗИЕВА.

Ижодкор кишилар қайси соҳада меҳнат қилмасинлар бошқаларга нисбатан табиат ўзгаришини, уйғонишини аввалроқ ҳис этадилар чоғи, баҳор келишини қувонч билан кутиб оладилар. Кўнгилларида туғилган, йил бўйи амалга оширишни мўлжаллаган ижодий режаларнинг ижобат бўлишини айни Наврўз байрами кунлари орзу қиладилар.

Наврўз

НАФОСАТ УЙҒОТУВЧИ ТАСВИРЛАР

Тасвирий санъат асарларини яратган ва яратаётган рассомлар фаолиятини кузатсак фикримизнинг тасдиғини топишимиз мумкин. Чунки мўйқалам соҳибларининг табиат кўринишларини акс эттирувчи асарлари орасида албатта, баҳор фаслининг турли хил ажойиб онларининг дилтортар рангтасвирларини учратамиз. Улардаги нафосат ҳисларини уйғотувчи гўзалликдан баҳра оламиз, руҳимиз енгил тортиб, қувончли кайфият оғушида қоламиз... Бундай сифатлар куртагини уйғотувчи тасвирларни биз Тошкент шаҳрида яшаб ижод қилаётган мусаввир Асан Бойназаровнинг ёрқин рангларга чулғанган асарларида ҳам кўрамиз. Улар ранг-баранг мавзуларда, турлича мазмундаги композиция ечимларида ҳал этилган бўлсада, воқеалар албатта, атроф-муҳит, табиат гўзалликлари тасвири билан узвий равишда боғлаб кўрсатилганлиги сабаб бошқаларникидан анчагина фарқланиб туради. Рассомнинг манзара жанрига оид туркум асарлари умумий «Юртим жамоли» деб номланиб, уларнинг мавзу моҳиятига жуда мос келади. Улар орасида нафақат кўклам таровати, балки жонажон ўлкамиз Ўзбекистоннинг барча фасллардаги кўркини кўз-кўз қилувчи «Баланд тоғдаги яйлов», «Қиш», «Булутли кун», «Тоғ дарёси», «Қуёшли кун», «Баҳор юмушлари», «Чимён тоғларида», «Ёзнинг туш пайтида», «Сокинлик», «Куз» каби талайгина намуналари мавжуд.

Рассом ижодида фалсафий фикрларни рамзий тарзда ифода этувчи мураккаб мавзули воқеабанд композициялар, айрим портретлар, натюрмортлар ҳам бўлиб, уларда азалий қон-қардош қозоқ ва ўзбек халқларининг иноқ, тинч-тотув ҳаётидан, кундалик мазмунли турмуш воқеаларидан, ўтмиш тарихидан ҳикоя қилувчи тасвирлар Ўзбекистон отлиғ жонажон ўлканинг, жаннатмакон қадрдон юртнинг турфа гуллари, ноз-неъматлари, турли касбдаги кишиларнинг қиёфалари ўз аксини топган. «Тўй», «Учрашув», «Тун», «Оналик», «Акс этиш», «Таҳликали тун», «Биргаликдаги машқ», «Натюрморт», «Автопортрет» шундай асарлар сирасига киради...

Асан Бойназаров ижодида одамлар ҳаётида сонкўрсатиш йўлларини узоқ муддат ўзи вояга етган қишлоқда пухта ўрганганлигида деб ўйлаймиз. Унинг энг мукаммал бўлган яна бир «Тўй» асари борки, ундаги воқеалар энди олтин куз фасли оғушидаги тоғ қишлоғи фонида акс эттирилган. Рангтасвирда тархлар аниқ, ранглар эса аввалги композициядагидан кўра табиийроқ, жозибадор кўринишга эга бўлиб чиққан. Асардаги одамлар кайфияти юзидаги ифодаларигача рассом эътиборидан четда қолмаган. У ҳар бир нарсани пухта, худди аслидагидек қилиб тасвирлашга интилганлиги, композицияни ниҳоясига етказиб санъат ихлосмандларига манзур қилиш учун кўп изланганлиги сезилади...



Асан Бойназаров 1957 йилда Тошкент вилоятининг энг хушманзара ери — Бўстонлиқ туманидаги ҳозирги Янги овул қишлоғида туғилган. 1972-75 йилларда Тошкент шаҳридаги Махсус мусиқа ва рассомчилик мактаб-интернатида ўқитувчи-рассомлар А. Перов ва Ю. Тальдикин сабоқларини олган. Таниқли мусаввир Н. Қўзибоев ҳам унга тасвирий санъатнинг кўп қирраларини ҳаққоний тасвирлашни ўргатган. 1975-81 йиллар мобайнида бўлажак рассом Театр ва рассомлик санъати институтида дастгоҳли рангтасвир бўлимида Б. Бобоев, Р. Аҳмедов, Б. Жалолов, В. Бурмакин каби тажрибали, меҳрибон устозлари таълимини олди, ижод қилиш сирларини қунт билан ўрганди. Ўқишни битириб, аскарлик хизматига бориб келгач маълум муддат Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти рангтасвир кафедрасида ишлади. Айни пайтда ижодий ишга астойдил берилди. Бирин-кетин нуфузли кўргазмаларда фаол қатнашиб, Ўзбекистон Рассомлар уюшмасига аъзо бўлди. Асан Бойназаров ижодига хос хусусиятларни ўзида тўла мужассам этган асарлардан яна бири «Баланд тоғдаги яйлов» композицияси саналиб, у Афғонистонда Халқаро тасвирий санъат кўргазмасида муваффақиятли намойиш этилган. Асар тоғда меҳнат қилувчи чорвадорлар, сигир соғувчилар кундалик ҳаётидан ҳикоя қилади. Ундаги тасвирланган воқеалар оддийдек бўлиб, атроф-муҳит кўринишлари ҳудди табиий қилиб, самимийлик билан акс эттирилгани эътиборни тортади, одамга завқ беради.

Маълумки ҳар қандай ўз бадиий такомилини топган тасвирий санъат асари замирида улкан ижодий меҳнат, изланиш жараёнлари ётганини баъзан томошабин сезмаслиги мумкин. Аммо у асарнинг нимасидир билан ўзини ром этиб олганини инкор эта олмайди. Рангтасвирнинг шу сифати — «сири» асар мазмуни ва шаклини уйғунлаштириб ҳаққоний кўринишлардан чекинмай, айни пайтда бадиий меъзонларга асос қилиб ифода қилинганлигида бўлса керак. Ундаги сигир соғувчи аёллар образи эса ҳар томонлама ўйлаб композициянинг мавзуни очиб берувчи эътибор билан ишланган марказий нуқтаси сифатида намоён бўлади.

Асан Бойназаров ижодида анъанавий «академик услуб» — яъни ҳар нарса, воқеа-ҳодисаларни аслига ўхшатиб, табиатдагидек тасвирлаш тамойили жуда кучли. Аммо мусаввир асарлари орасида рамзий, мажозий шакл ва образлар орқали фикр уйғотувчи фалсафий маъноларни уқиб олиш мумкин. Рассом шу йўналишдаги ижодий ишларида ҳам шакл ва ғоя мазмуни уйғун ҳолда акс этиши учун қайғуради, изланишлар натижасида бир тўхтамга келади. «Чекинаётган Орол» шу туркумдаги энг эътиборли асарлардан биридир...

Асан Бойназаровнинг Санкт-Петербургдаги И. Е. Репин номли рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик институтида кўп марта хизмат сафарларида бўлган. 1990 йили эса профессор М. Девятов раҳбарлигида қадимги рассомлар қўллаган рангтасвир технологиясининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш бўйича касб малакасини ошириб қайтган. Ўша ерда олган таассуротлари асосида «Тунги Санкт-Петербург», «Москва 1941 йилда», «Фин кўрфази» асарларини яратган.

Ҳозирги пайтда мусаввир янги асарлар яратиш билан бир қаторда бўлажак рассомларга устозлик қилмоқда. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти рангтасвир кафедрасининг катта ўқитувчиси, тасвирий санъат факультети декани ўринбосари Асан Бойназаров жамоат ишларини сидқидилдан адо этиш билан бирга шогирдларини ўз билими, тажрибасидан иложи борича кўпроқ баҳраманд этиш ниятида тинмай изланмоқда.

Баҳром ТОЖИЕВ.

СУРАТЛАРДА: рассом ижодларидан намуналар.

Ибратнома

ИЙМОНЛИЛИК

«Бухоро — Тошкент» йўналишидаги йўловчилар поезди бир маромда олға интилади. 10-вагон. Йўловчиларнинг ҳар бири ўз иши билан овора. Бировлар навбатдаги бекатда тушишга ҳозирлик кўрса, бировлар бозор иқтисодиёти ҳақида суҳбатлашар, бошқа бировлар китоб, газета ўқишмоқда, яна бошқалари ўзаро суҳбат қуришган.

— Қорним очди, чой ичайлик, ошхонага бориб, нон-пон олиб келинг, мен чой дамлайман, — деди бизнинг қаршимиздаги йигитлардан бири иккинчисига.

— Хўп бўлади, ака, мана ҳозир.

— Шошманг, ука,

— Йўқ, ўзимда пул бор.

— Тегирмон ҳам навбати билан деганлар донолар. Боя Жиззах бекатида сомсани сиз олдингиз. Энди, навбат меники, — деди йигитлардан каттаси. Ички чўнтагидан паспортини олиб, орасидаги юз сўмликлардан бирини узатди.

— Ҳа, айтгандай, папирос эсдан чиқмасин.

Поезд Еттисой бекатига келиб тўхтади. Шу бекатдан бизнинг вагонга етаклаган ёш болалари бор жувон билан қария чиқишди. Дам олиш куни бўлгани учунми йўловчилар кўплигидан одамлар сиқилишиб ўтиришарди. Болаларнинг бири беш, иккинчиси уч ёшлар чамасида эди. Шунда ҳалиги йигит:

— Биз юқорига чиқамиз, ота. Бу жой сизларга. Бемалол ўтиринглар, — деб сумкасини олиб, юқори — учинчи қаватга чиқиб кетди.

— Раҳмат, болам, умринг зиёда бўлсин. Аллоҳ ярлақасин, — деб қария дуога қўл очди.

Йигит университетнинг тўртинчи курс талабаси экан. Пастга тушиб термосга қайнаган сув қуйиб олиб келиб чой дамлашга киришди. Кўп кечикмай иккинчи йигит ҳам келди. Қўлида нони, қоғозга ўралган яна алланималари бор эди. Янги келган йўловчилар билан сўрашиб, олиб келганларини стол устига қўйиб, қўшнилардан бориб икки-уч пиёла олиб келди. Талаба йигит пиёланинг бирига чой қуйиб, аввал қарияга узатди.

— Сариғ ёғимиз йўқ ота, тортинманг, чойни ичинг, — деди талаба. Йигитларнинг ошига шерик бўлгимиз келмай, уялиб ўтирган бизга иккинчи йигит ҳам илиқ илтифот билдириб:

— Олинг ака, уялманг, ичинг, — деди.

— Раҳмат, ука!

— Болам, мана бу қазини сариғ ёғ ўрнида кўринг. — Сумкамдан қази чиқардим мен. — Шунисига ҳам шукр.

Йигит ҳали ўзи олиб келган стол устидаги нон ва қанд-қурсни бизнинг олдимизга суриб қўйди.

Иссиқ вагонда қалин кийимда ўтирганимиз учунми, ёки иссиқ қора чой танамизга ёққанданми, пешонамиздан тер чиқиб, яйраб қолдик. Ота терини рўмолчаси билан артиб, чойини ичиб, пиёлани стол устига қўяётган эди, талаба йигит пиёлани олиб, яна чой қуйди. Йигитларга қарайман, кўнгиллари пок, кулиб, яйраб гўё ота-оналарига хизмат қилаётгандек ўтиришибди. Улар жуда хурсанд эди. Ота пиёласини узатса, талашиб чой қуйишади. Талаба йигит ҳалигина қорним очди, деганини эсидан чиқаргандай, «Енглар, ичинглар!»— деб стол устидаги қолган неъматларни яна бизнинг олдимизга суриб қўярди.

Шунда ёшларнинг эл-юртнинг урф-одати, расм-русуми ва иймонига содиқ қолаётганларига ҳавасим келиб, ич-ичимдан шукрона айтдим.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ,
халқ таълими аълочиси.

Сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситаларида тарихга оид маълумотлар келтириш жараёнида ноаниқликка йўл қўйилаётганининг гувоҳи бўляпман. Мисол сифатида ўтган йили радио орқали Шайхонтоҳур туманидаги Навоий номли 40-мактабнинг 60 йиллигига бағишлаб берилган эшиттиришни келтириш мумкин. Унда мактаб тарихига оид бир қанча ноаниқ далиллар келтирилди.

Минбар

ТАРИХНИ ТЎҒРИ ЁРИТАЙЛИК

Аслида 1937 йили собиқ 38-мактаб (ҳозирги Шайхонтоҳур туман мудофаа ишлари бўлими) биноси қурилиши тугаллангач, собиқ 161-мактаб (ҳозирги 40-мактаб) биноси Исроил Ибодов бошчилигида қурилиши бошланди. Икки қаватли бино хом ғиштдан уста Комил Салимов ишбоши, Мавлонхўжа Бобохонов ташаббуси билан Кўкча даҳаси аҳолиси ва биз ўқувчилар иштирокида кўтарилди. Қурилиш тугаллангач, мактаб раҳбари Исроил Ибодов усталар Комил ва Мавлонхўжаларга қимматбаҳо совғалар берган. Ўшанда биз 8-синфда ўқирдик. Кейинчалик мактаб раҳбари юқори лавозимга кўтарилиб кетди ва унинг ўрнига 1940 йили Раҳматилла Бедилов келди. Мазкур мактаб тарихини яхши биладиган акаука Бурхонхўжа ва Аброрхўжа Бобохоновлар, Тоҳир уста Комил ўғли, тиббиёт ходими Атҳам Расулов ҳозирда Кўкча даҳасида истиқомат қилишмоқда.

Худди шунга ўхшаш Навоий номли академик опера ва балет Катта театри биносининг бунёд бўлиши тарихи ҳақида ҳам одамлардан турлича талқинларни эшитиш мумкин. Кўпчилик бу бинони японлар қурган дейди.

Аслида республика собиқ Вазирлар Кенгаши раиси Абдужаббор Абдураҳмонов оталиғида театр қурилишига тайёргарлик ишлари бошланиб, ғишт теришда тезкор ва нафислиги билан донг таратган уста Комил Салимов таклиф этилди. 1941 йили уруш бошлангач, Абдужаббор Абдураҳмонов уста Комилни ўзига чорлаб «Ҳамма нарса — фронтга» шиорига кўра қурилишга ажратилган маблағ урушга йўналтирилгани сабабли иш тўхтатилганини маълум қилганда уста қурилиш майдонидаги буюмлар уволидан қўрққани ҳамда ёши ўтиб бораётгани сабабли Ғалабага ҳисса қўшишдан умидворлиги учун ишни давом эттиришни илтимос қилган. Шунда Абдураҳмонов кўзида ёш билан устани қучоқлаб, миннатдорчилик билдирганининг ўзим гувоҳи бўлганман.

Уста Комил ёшлигидан меъмор-бинокор бўлган. У бинони кўтаришда ёрдамчиларни топишни ҳам ўз зиммасига олди. Собиқ Баланд Масжид хонақосида қарияларга бир маҳал иссиқ овқат берилар эди. У ерда уста Тошпўлат бошчилигида уч-тўрт ўймакор ҳам овқатланар экан. Уста Ширин ҳам шу ерда мусофир экан. Шу билан уста Тошпўлат Арслонқулов ёрдамида ганч ўймакорлигини биладиган ўн бир кишидан иборат ишчилар гуруҳи ташкил топди. Уста Комил бошчилигида ганч суғоғи ойна устига берилиб, Уста Ширин қаламига мансуб меъморий безаклар деворларга туширилди. Бошқалар уста Тошпўлатга ёрдамлашишди. Абдужаббор Абдураҳмонов ишчиларга ҳар куни бир маҳал ош тайёрлаб берарди, ортганини ишчиларнинг уйларига бердириб юборарди. Бино фойдаланишга 1947 йили топширилди.

Японларга келсак, улар асосан асирлардан иборат бўлиб, 1945 йилнинг августида бошланган Япония билан бўлган урушдан келтирилган эдилар. Улар оғир ишларда ишлашган ва айниқса, ганч қоришмаларини эпчиллик билан тайёрлаб етказиб беришган. Бундан ташқари 1936 йили Бешёғоч даҳасидаги Абулқосим мадрасасини таъмирлашда ака-ука усталар Раҳим, Комил ва Орифлар етакчилик қилишган. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти биноси қурилишида ҳам ғишт териш ва суваш ишларига уста Комил бошчилик қилиб, мукофотларга сазовор бўлган. Алишер Навоий номли Ўзбекистон миллий боғининг дарвозаси уста Комилнинг қўли билан тикланган. Ёзги таътилда мен ўзим устага ғишт олиб бериш, қоришма етказишда қатнашганман. Дарвоза устунининг пастида ҳар қаторига 505 дона ғишт терилган.

Уста Комилнинг қўли теккан биноларни яна анча санаб ўтиш мумкин. Чунки у нафақат Тошкентда, балки Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида ҳам ўз санъатини қолдириб кетганини ҳалигача кекса авлод вакиллари таърифлашади. Шундай экан, тарихга аниқлик киритишда нафақат архив ҳужжатларидан, балки кексалар хотираларидан ҳам фойдаланиш зарур. Келажак авлодга тарихнинг асл ҳақиқатини қолдирсак, уларнинг ижодкор, бунёдкор, ташаббускор сиймоси орқали ёшлар маънавиятини бойитсак Ватан равнақига ҳисса қўшган бўламиз.

Тоҳир САЛИМОВ,
меҳнат фахрийси, уруш қатнашчиси.

Муносабат

ЕГАНИН ОШ ДЕМАНГ ЁЛҒИЗ АЁЛНИНГ...

Еганин ош деманг
ёлғиз аёлнинг,
Шайтон товоғига
қўлин солади.
Дастурхон қошида
отасин қўмсаб,
Ё ўғли, ё қизи
йиғлаб олади.

Олислардан қўшиқ эшитилмоқда. Бу қўшиқни бирон бир жойда эшитиб қолсам болалигим ёдимга тушади. Опаларим билан дастурхон атрофида ўтирганимиз, отамизни эслаб кўз ёш тўкканларимиз кўз ўнгимдан ўтаверади. Беихтиёр кўзларимга ёш қуйилади. Кўчамиздаги болалар дадаси сумкада гоҳ ровоч, гоҳ дўлана кўтариб келса, дадасини узоқдан кўргач ўзини уларнинг қучоғига отар эди. Бу ҳолни кўриб мен алланечук бўлиб кетар эдим. Хаёлимдан «Нега мени дадам ўладилар?» деган савол такрор ўтаверарди. Эсимда, бир куни кўчамиздаги ўртоғимнинг дадаси уйига каттагина бир тарвуз олиб келди. Орадан ўн дақиқалар ўтар-ўтмас ўша ўртоғим бир тилим тарвузни кўчага олиб чиқиб, менга мақтана бошлади. Ўшанда жуда хўрлигим келди. Уйга отилиб кириб, онамнинг бағрига ўзимни отдим-у йиғлаб юбордим. Эсимда, ҳамма гапдан хабардор бўлган онажоним эртаси куни бозордан иккита каттагина тарвуз олиб келган эдилар. Вақтнинг ўзи энг яхши табиб деганлари нечоғлик ҳақ экан. Мана отамиздан айрилганимизга ҳам ўн беш йил бўлиб қолди. Ўн беш йилга. Шу йиллар ичида биз фарзандлар улғайдик. Опаларим оққуш янглиғ оқ либос кийиб, ўзга бир хонадонга келин бўлиб тушдилар. Бу кун уларнинг бари Она. Ўзим ҳам ширинданшакар фарзандларнинг отасиман. Лекин болалик хотиралар мени қаригa тортаверади. Онам ёлғиз боши билан бизни ўкситмай вояга етказганин, оқ ювиб оқ тараганларини эслайман-у «Она» дея аталмиш улуғ зотнинг сабр-тоқатларига, метин иродасига таҳсинлар айтаман. Баъзан ўйлаб қоламан, ахир бугунги гулгун замонамизда суянган тоғи, ишонган боғидан айрилган аёллар озми? Бу фоний дунё аёлларимиз бошига қанчадан-қанча синовларни солади-я. Балки шу синовларга дош бера олгани учун ҳам аёл муқаддасдир. Қайсидир бир файласуф «Ота дунёдан кўз юмганида болаларига ота ўрнини босадиган аёлгина чинакам Онадир» деган экан. Лекин ўз ҳузур-ҳаловати йўлида фарзандларини болалар уйига ташлаб кетаётган «она»лар ҳақида эшитганимда бўғзимга аччиқ фарёд урилади. Лекин мен эса ҳамон отамни соғинаман.

Соғинчлари тутган
паллада,
Зўрға турар жони
танида.
Йиғлаб юрар
пана-панада,
Отасини
бериб қўйганлар.

Ёлғиз Аёл! Бу сўзнинг замирида қанчадан-қанча азоб-уқубатлар, бедор тунлар ётишини яхши биламан. Эсимда баъзан онам тунлари ухлолмай тўлғаниб чиқар эди. Балки у ўша дамда Яратганга илтижолар қилиб, ўз фарзандларининг камолини сўраб тонг оттиргандир. Эртанги нурли кунларга ёруғ юз билан етиб боришни ният қилгандир. Гоҳида кўча-кўйларда айрим ота-оналаримизни ўз ҳаётидан, турмушидан нолиётганларини эшитиб қолсам ўйга толаман. Ажаб, нахотки ёлғиз аёлларимиздаги сабр-тоқат, ирода мана шу ота-оналаримизда бўлмаса? Бу қандай сир? Балки ёлғиз аёлларимизнинг ғурури, ор-номуси бунга йўл қўймас. Балки улар келажакка ўзгача бир умид билан қарарлар. «Болаларим улғайиб оёққа туриб кетса, ҳаммаси ўз изига тушиб кетади» деган илинж билан яшарлар.

Донолар «Дунёни гўзаллик асрайди» дейдилар. Барчамизни севишга, авайлашга қодир бўлган зот Аёлдир. Она дея аталувчи ном унга берилган тенгсиз ва буюк неъматдир-ки, унинг замирида бутун бир олам ётади. Тилагим ҳеч бир аёлга ёлғизлик буюрмасин. Оилада эркакнинг бори яхши.

Абдувоҳид РАЗЗОҚ ўғли.

«ТЕНГИ ЧИҚСА ТЕКИН БЕР»

(Ҳажвия)

— Вой айланай, Рузвон буви, нимасини айтасиз,. Ичимга чироқ ёқса ёримайди. Кўнглим бирам ғаш, бирам ғашки, кимдан, нимадан алам олишимни билмайман. Бўйгинанг ўсгур қизимнинг бахтгинаси очила қолмаяпти-да. Худди биров атайлаб йўлини бойлаб ташлагандай. Бормаган жойим, чертмаган эшигим қолмади.

Бай-бай-бай, бу фолбинларни айтмайсизми? Биттаси у деса, биттаси бу дейди. Охири қайси бирининг гапига ишонишга ҳам ҳайрон бўлиб қолдим.

— Қўйинг-ей, ўлибдими мен билан маслаҳатлашмай бировга кўнгил қўйиб, суянган боғим мана шу биттаю-битта қизим-а! Одатимни биласиз-ку? Агар юзимни ерга қаратадиган бўлса оқини — оқ, кўкини — кўк қилиб ташлайман. Айтинг-айтинг, ўртага шайтон ўлгур аралашмасин, айланай. Тунов куни денг, эшик «ғийқ» этиб очилди. Бундай қарасам, Раъногон қизим. Туриши бироз бошқачароқ. Ранги синиққан. Лабимни тишлаб қўя қолдим, ахир боланинг ўз дарди ўзига етмагандек, меники бормиди энди, дедим.

— Ҳа, ҳа, айланай. Тағинам юраги дарё экан. Бўлмаса шу вақтгача ич-этини еб қўярди. Ахир бу тенгилар иккитанинг онаси бўлиб ўтиришибди-я. Мана ўзимизни олинг, ўн еттига кирмасдан «тиқ» этса «совчи келди» деб эшик пойлардик. Тўғрими?

— Ана, ана, ўргилай. Ҳаммасидан ҳам никоҳ кунидаги шайтон йиғимизни айтмайсизми? Ичимда жон деб турибману, онам бечорани нуқул «эрга тегмайман» деб қуйдираман.

— Тўрт фарзанд кўрдик. Қурмагурларнинг умри қисқа экан. Кўзимнинг оқу қораси мана шу қизим қолди.

— Вой, нима деяпсиз, Рузвон буви. Бўлишганмиз. Бир эмас, бир неча бор-а. Ҳаммаси ҳам бераридан қочади. Қиз бокиб уларга текинга бериб юборақолсам. Ахир болам ердан чиқмагандир. Отаси бўлмаса ҳам алифдек тоғалари бор бошида. Қандай оғир замонлар бўлишига қарамай чолим тушмагур ботмонлаб берган бизга ҳам. Йигитнинг марди уйланади. Чидаганга чиқарган.

— Ҳа, йўқ, айланай, биласиз-ку мени. Ўлибманми оғзимнинг бир бурчагидан чиқариб. Жилла қуриса ўн сидрадан бош-оёқ кийим келиннинг ўзига қилиш керакми? Керак. Йигирматадан, ўттиздан қилаётганлар бор, тасаддуқ. Ахир онаси, қариндош-уруғлари бор, уларга сарпо-суруқ керак. Ҳаммаси турмушга чиқиб, укамнинг ўғиллари биттадан оқлиқ кийишмаса, умрбод биздан домангир бўлмайдими, айланай.

— Ҳозирги тўйларни кўряпсиз, йилдан-йилга ошиб кетяпти. Одамлар ким ўзарга тўй қиляпти. Биз ҳам улардан ортда қолсак, уят бўлар. Ҳа, хотин олиб уч қоп ун, икки қоп гуруч, тойдек битта қўй бермаса, қанақа куёв у. Сут ҳақи-ку, ўз йўлига, бусиз бўлмайди. Олдинги бўлишган совчиларимиз ҳам шундан айнишди. Улардан атиги 30 минг сўрагандик. Кулиб ўтирган одам бирдан тўнини тескари кийиб олди. Кейин эшитсам «Қизини Мирзакаримбойга берсин» деганмиш. Вой ордона-ей, Мирзакаримбой қаерда-ю, биз қаерда. Агар ўша вақтлар бўлганида шундай сухсурдай қизни Мирзакаримбой олмай ўлибдими? Хуллас, садағангиз кетай, Рузвон буви, қизим бир эмас, тўрт фотиҳадан қолиб ўтирибди.

— Нима-нима? Шу ҳам гап бўлди-ю, тузсизлигини қаранг-а. Баҳосини арзон қилингмиш. Вой, қудратингдан. Нима, мен бозорда мол сотяпманмики, баҳосини арзон қилиб. Қиз чиқараяпман, айланай. Э, бўлди, гапирманг.

— Вой, нима деяпсиз ўзи? Қачон қизимнинг бахтини ўғирлабман. Она ҳам ҳеч замонда қизининг бахтини ўғирлайдими? Бекоргиналарни айтибсиз, мен қизимнинг бахтини ўйлаб шундай қиляпман. Қари қиз бўлиб ўтиргани етмагандек, бировга текингина бериб юборсам, ҳаммаси кулмайдими «Қизининг бир балоси бор экан» деб.

— Тағин гапирасиз-а. Ким айтади сизни девор-дармиён қўшни деб. Қизимнинг бахтини мен эмас, сиз кўрмаяпсиз. Алам қилмай қўя қолсин, Мен сизга ўхшаб қизимни текиндан-текин қўшқўллаб бериб юбориб бўпман. Ҳа, ўзим кўрдим-ку, арзанда куёвингиз юборган аччиқ ичакдек чўзилиб ётган қўйни-ю, нурсиз сарпо-суруқларни. Йўқ, мени ўзингизга ўхшатмай қўя қолинг. Яна «Тенги чиқса текин бер» деганингизга ўлайми.

— Бўйгинангдан онагинанг ўргилсин, ана қизим ҳам келиб қолди. Дилимга олгандаки, кириб келдими, бас, энди пешонаси ярақлайди, ҳали кўриб турасиз, бойвачча куёвлар «Қизингизни берасиз» деб остонамга ётиб олишсинки, баъзилар ҳасаддан ичи куйиб ўлсин.

— Ҳой-ҳой, бу нима деганинг, қизим. Бўйларингга онагинанг гиргиттон, Нега қари қиз бўласан? Кимдан уяласан? 28 га кирган бўлсанг ҳам ҳали ўн гулингдан бир гулинг очилмаган. Нима қилиқ? Вой, онанг бу ёқда қолиб, нега ўзинг топасан, тавба қилдим, дегин беюз. Туққан онангга шу сўзни айтгани қандай тилинг борди, бўйгинанг кесилмагур.

— Ана кўрдингизми, Рузвон буви. «Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада» деб шунга айтадилар-да. Мен нима ғамда-ю, бу нима ғамда.

Вой-вой, тасаддиқ, сиз нега илжайяпсиз? Биров ўлай деса, кулай дейсиз-а?!

Холпошша хола сўзини оққа кўчирувчи:

Мақсуд ҚОБИЛЖОНОВ.

Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги

ЙЎЛ ИНТИЗОМНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 6 февралдаги Фармойишига мувофиқ 1 мартдан бошланган «Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда. Бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Давлат автомобиль назорати бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Маҳмуд Юсупов қуйидагиларни гапириб берди:

— Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 4200 километр узунликдаги транспорт қатнови йўли мавжуд. Уни янада кўпайтириш, кенгайтириш, қайта таъмирлаш ва шу каби ҳаракатланиш хавфсизлиги билан боғлиқ бошқа масалаларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 мартдан «Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигини ўтказиш ҳақидаги Фармойиши катта аҳамият касб этади, унда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид комплекс чора-тадбирлар кўриш, бу тадбирга кенг жамоатчиликни жалб этиш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини яхшилаш, транспорт ва пиёдалар ҳаракати серқатнов жойларини аниқлаб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш лозимлигини уқтирган.

Тошкент шаҳар ИИББ ДАН бошқармасида кўрсатиб ўтилган ушбу масалаларга жиддий эътибор қаратиб, амалга ошириладиган ишлар бўйича алоҳида режа ишлаб чиқилган. Унда тадбир мобайнида меҳнат жамоалари, аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш, ички ишлар идоралари ва ДАН ходимларининг корхона, ташкилот, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда учрашувни ўтказиш, аҳоли орасида йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига риоя этиш бўйича, кўргазмали қуроллар, китоб ва бошқа қўлланмаларни, суратли варақаларни тарқатиш, қўпол қоидабузарликка йўл қўяётганларнинг маъмурий жавобгарлиги билан боғлиқ масалаларни меҳнат жамоаларида ва истиқомат жойларида кўриб чиқиш кабилар киритилган. Шунингдек, йўлларда ҳаракатланишни назорат қилиш учун ҳаракатланиш хавфсизлиги муҳандислари, жамоатчи инспекторлар, тиббиёт ходимлари, оммавий-ахборот воситалари вакиллари билан рейдлар ўтказилади. Ҳудудларда содир этилган ЙТҲларнинг таҳлили асосида ДАН инспекторларининг хизмат ўташ жойлари ва йўналишлари янада ижобийроқ таъсир этадиган жойларга ўзгартирилади. Ҳайдовчи ва пиёдалар томонидан йўл қўйилаётган қоидабузарликларни аниқлашга жиддий эътибор қаратилади. Автохўжаликларда, автобус ва такси саройларида транспорт воситаларини сақлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш, йўлга чиқишдан олдин техник ҳолатини текшириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, улар ўртасида интизомни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиб чиқилади. Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб этиш мақсадида аҳоли гавжум жойларда радио тармоқларидан кенг қўламда фойдаланиш, кўргазмали лавҳалар тайёрлаб, кўзга кўпроқ ташланадиган жойларга ўрнатиш ишлари олиб борилади.

«Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказишдек тадбирда фаол иштирок этиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Абдурахим ХАЛИЛОВ ёзиб олди.

«02»

ЭЛЛИК МИНГ ДОЛЛАРЛИК АЖАЛ

Ўзбекистонда гиёвандликка қарши кураш, гиёвандлик моддалари устидан назорат қилиш соҳасида амалга оширилаётган кенг дастурий чора- тадбирлар жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан бу борада Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси тизимида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир.

— Бу иллатга қарши курашга бизнинг энг тажрибали, тезкор ходимларимиз жалб қилинади, — дейди бошқарма бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Равшан Салоев.

Туман ички ишлар бошқармаси таркибидаги 4-милиция бўлими /бошлиғи милиция подполковниги Муҳаммаддин Холметов/ ҳам бошқарманинг илғор-тезкор жамоаларидан бири. Мана бир мисол: Янги йилнинг январь ойи ўрталарида манбалардан шу бўлим ҳудудига Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидан катта миқдордаги гиёванд моддасини сотиш учун контрабанда келиши ҳақида маълумот олинади. Шу ташвишли хабар муносабати билан бўлим қошида қўлга тушиш эҳтимоли бўлган катта миқдордаги гиёванд моддаларни ташиб келтирувчи ажал уруғи «карвони»ни кутиб олиш, уни қўлга олиб зарарсизлантириш юзасидан «Тузоқ» тадбири режаси тузилади. Бу режа асосида тезкор гуруҳ ташкил этилиб, унинг таркибига жиноят-қидирув бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Константин Ким, милиция зобитларидан ака-ука Исматулла ва Йўлчи Рашидовлар, Рустам Ҳусаинов, Равшан Алимов, Евгений Хенлар киритилади.

Асабни эговловчи кутиш кунлари, ҳафталари бошланди... Ва ниҳоят тегишли манбадан «Юк етиб келди» мазмунидаги маълумот олинди. Тезкор гуруҳ зудлик билан қидирув тадбирларига киришиб кетди. Гуруҳ олдидаги асосий вазифа гиёванд модда тушган жойни узилкесил аниқлаш, белгиланган режани аниқ, бекамикўст амалга оширишдан иборат эди. 18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси соат 01-02 да Тошкент трактор заводи мавзесидаги ётоқхоналардан бири мўлжалга олинди. «Юк» кўп сонли ётоқхона хоналарининг қайси бирида деган муаммони ҳал этиш бошланди. Хоналардан бирига тезкор ходим эшикни тақиллатиб кирди. Шу пайт унга икки киши ҳамла қилиб ўртада қисқа, лекин ҳаёт-мамот олишуви бошланади.

Хона «меҳмонлари» — «юк» эгалари экан. Шу олишув устига қўшни хоналардан етиб келган гуруҳ ходимлари «юк» эгаларини дарҳол қўлга олдилар.

Мана 4-милиция бўлимининг дастлабки сўроқ-суриштирув хоналаридан бири. Қўлга тушган ўлжа — диққат билан тарозуда тортиб кўрилди. Жигарранг спорт сумкасидан махсус целлофан халтачаларга жойланган 10 килограммга яқин миқдордаги соф олий қора дори борлиги маълум бўлди. Ажал уруғининг бугунги «қора бозор» даги нархи 50 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Ушланганларнинг шахсига тўхтасак, улар икки киши бўлиб 25-30 ёшлардаги забардаст йигитлар. Бирининг исми Бахтиёр, иккинчисининг исми эса Ўрозов /исмлар ўзгартилиб берилди/. Бу ҳар иккала кимса бир неча йиллардан буён милиция ёки божхона ходимлари билан содир бўлиши эҳтимоли бўлган тўқнашувларда ғолиб чиқиш мақсадида қўл жанги кураши усули билан мунтазам шуғулланиб келганлар. Улар дастлабки суриштирув жараёнидаёқ ўз қилмишларига иқрор бўлди.

Малик НУРИДДИНОВ.
СУРАТДА: тергов жараёнидан лавҳа.
Ҳусан Сарикбаев олган сурат.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ХУЛОСА

«Й. Охунбобоев номли бош кийимлар ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятида «Енгилсаноатаудит» жамияти томонидан 1997 йил корхона баланси кўрсаткичларининг ҳамда жамиятнинг фойда ва зарарлари ҳисоби ҳақиқийлиги текширувдан ўтказилди.

Акциядорлик жамияти баланси Ўзбекистон Республикасининг 26.04. 1996 йилги «Акциядорлик жамиятлари тўғрисида ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига асосан қуйидаги тартибда акс эттирилган.

БАЛАНС

(минг сўмда)

№	Хисоб счети	Баланс моддасининг номланиши	Қолдиқ актив	Қолдиқ пассив
1.	01	Асосий воситаларнинг қолдиқ қисми	8742,0	
2.	06	Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар	47,0	
3.	12	Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар қолдиқ қисми	83,0	
4.	19	Қўшимча қиймат солиғи	970,0	
5.	20	Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи	121,0	
6.	40	Тайёр маҳсулот қолдиғи	3604	
7.	45	Қарздорлар билан ҳисоб-китоблар қолдиғи	5167	
8.	50	Ғазна қолдиғи	1,0	
9.	51	Ҳисоб-китоб счетида	134,0	
10.	60	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванс	257,0	
11.	76	Бошқа дебиторлар	788,0	
12.	10—1	Ишлаб чиқариш заҳиралари	5706	
		Жами актив қисми:		**25620**
13.	68	Бюджет билан ҳисоб-китоблар		1582,0
14.	60	Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар		1896,0
15.	69	Социал суғурта ва таъминот билан		1776,0
16.	70	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар		1905,0
17.	85	Устав фонди		6351,0
18.	86	Резерв фонди		1575
19.	64	Харидор ва буюртмачилардан		267,0
20.	87	Тақсимланмаган фойда		8698
21.	78	Уюшма корхоналарга қарзлар		471,0
22.	67	Бюджетдан бошқари тўловлар		1099
		Жами пассив қисмида:		**25620**

1997 йилда акциядорлик жамияти молиявий натижаси бўйича жами бўлиб 113692 минг сўм, фойда билан якунланган, сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи 99309 минг сўмни ташкил этган, маъмурий ва асосий фаолиятнинг бошқа ҳаражатлари 13010 минг сўмни, бошқа тушумлар 2590 минг сўмни ва бошқа солиқлар 2014 минг сўмни ташкил қилган ва ҳисобот даврида соф фойда жамият ихтиёрида 1949 минг сўмни ташкил қилади.

Мазкур ҳисобот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилинаётган бухгалтерлик ҳисобининг ҳисоб режасидан келиб чиққан ҳолда очиқ турдаги «Й. Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси» ҳиссадорлик жамиятининг 1998 йил 1 январдаги баланси қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради ва бухгалтерлик ҳисоби маълумотлари асосида тузилган.

ТАШКИЛОТ
А-4 бичимидаги қоғозни, ассортиментдаги идора товарларини
СОТАДИ
Нархлар паст, улгуржи чегирмалар бўлади.
Тел: 35-69-90, 35-28-11.

ТАШКИЛОТ
қаттиқ битум, 4х100, 4х120 катталигидаги михларни
СОТАДИ
Тел: 35-69-00, 35-28-11.

«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I»
ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР МИРОБОД ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИДА 1998 йил 2 мартда РУЙХАТГА ОЛИНГАН ДАВЛАТ РЎЙХАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУОВҲНОМА № 125/4
ЮРИДИК МАНЗИЛ:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700060, МИРОБОД КЎЧАСИ, 17.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан 1998 йилнинг 9 мартидан 17 мартигача «Тоштўқимачи» акциядорлик жамияти биносидаги 53-АТСда вақтинчалик алоқа бўлмайди.

«Toshkent shahar telefon tarmog'i» очиқ турдаги акциядорлик жамияти.

Тикув машинаси, музлатгич харид қиламан.
Тел: 92-21-46, 90-54-37.

Совутгич-компрессор қурилмалари Бошқармаси жамоаси Бошқарманинг кекса ходими, бош ҳисобчи **Елизавета Николаевна ГУСЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Руйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-01051. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ 9.272 нусхада босилди. 1 2 3 4 5.